ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СУРГУН ЎТАШ ЖОЙЛАРИ - МАХСУС ПОСЁЛКАЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ХХ АСРНИНГ 30ЙИЛЛАРИ)

Б.РАСУЛОВ

В статье рассматривается процес создания мест высылки - спецпоселков в Узбекистане в 30-х годах XX века, особенности их режима, управления данными посёлками, а также – судьба переселенцев.

The article depicts the process of establishment of the special places of exile for prisoners in the territory of Uzbekistan in the 30s of the XXth century, their regime of work, and the governance of these prisons as well as the fate of the prisoners.

Совет ҳокимияти йилларида бузилган, сохталаштирилган тарихимизни тиклаш, янги ҳаққоний тарихни яратиш ишига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республикага биринчи раҳбар бўлиб келган пайтдан бошлабоқ алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳали мустақилликка эришмаган 1989 йилдаёқ жамиятшунослар олдига “Ўзбекистон тарихининг кўпгина соҳаларини қайта битишлари, чунончи, ... 1920-1930 йиллардаги адабий-ғоявий жараёнлар, коллективлаштириш ва бошқа ҳодисаларга ҳужжатлар асосида назар солишлари”ни вазифа қилиб қўйилган эди [1.91]. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1930-йилларда вужудга келган Ўзбекистон ҳудудидаги махсус посёлкалар тарихини архив ҳужжатлари асосида тадқиқ этиш илмий аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

ВКП(б)нинг “Қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсати совет тоталитар режимининг деҳқон хўжаликларига нисбатан қатағон сиёсатидаги “кашфиёт”лардан бири – махсус посёлкалар тизимини вужудга келтирди. Иттифоқ бўйича “қулоқ посёлкалари” 1930 йил бошларидан ташкил этилди ва улар дастлаб маҳаллий ижроия қўмиталарининг тасарруфида бўлди. Посёлкаларнинг ташкил этилиш жараёни аниқ бир марказдан бошқарилмагани сабабли унинг ягона ҳисоби олиб борилмади. Бу давр бўйича ҳужжатларнинг ўта тарқоқ ҳолдалиги асосий эътиборни ОГПУ маълумотларига қаратишимизни тақозо этади.

ОГПУ Ўрта Осиё мухтор ваколатхонасининг маълумотларида Ўзбекистон ҳудудидаги биринчи “қулоқ посёлкаси” 1930 йил 15 мартда Бухоро округи Шофиркон районидаги Жилвон қишлоғида ташкил этилгани қайд этилган [7.291]. Шунингдек, 1930 йилнинг баҳорида яна учта: Ғиждувон райони Обод қишлоқ совети, Бауман райони Кўлойдин қишлоғида ва Чуст-Поп районидаги Булоқбоши қишлоғида ташкил этилган [7.312-313].

СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 20 апрелдаги “Меҳнат учун кўчирилганларнинг ҳуқуқий аҳволи тўғрисида”ги қарорига биноан ёппасига коллективлаштириш ҳудудларидан сургун қилинган қулоқлар жойлашган ҳар бир меҳнат посёлкасида комендатуралар ташкил қилинди. Ўзбекистон ССР ҳудудидаги махсус посёлкалар ЎзССР Советлари МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 20 июндаги “ЎзССРдаги бой ва қулоқ элементлар учун посёлкалар ҳақидаги Низом”га [7.273] асосан фаолият олиб борган. Низомда посёлкалар 20-25 хўжаликка мўлжалланган бўлиб, қўшни қишлоқлардан имкон қадар йироқда бўлиши назарда тутилган. Жойни Округ ижроқўмлари белгилаган. Посёлкаларга нафақат ўз районидаги, балки Ўзбекистоннинг бошқа округларида коллективлаштириш натижасида тугатилган бой-қулоқ хўжаликларнинг оилалари мажбурий тартибда жойлаштирилган.

Посёлкани бошқариш учун Окрижроқўм Президиуми ОГПУ органи билан келишган ҳолда вакил тайинлаган. Вакил посёлкада яшаётганларнинг ҳисобини олиб бориш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, юқори органлар фармойишларининг бажарилишини назорат қилиш, фуқаролик ҳолатини қайд этиш каби ваколатларга эга бўлган. Вакилнинг тасарруфида 3 милиционер бўлиши белгиланган. Посёлкадан ташқарига фақат вакилнинг рухсати билан чиқишга йўл қўйилган. Посёлка бошқарув аппарати маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланган. Округ ва район ижроқўмлари вакилларга умумий раҳбарлик ва уларнинг фаолияти назоратини амалга оширилиши белгиланган [7.274-275].

Посёлкаларда давлат сиёсий идораси сургундагиларнинг сиёсий кайфиятни билиб туриш учун хуфиялар ёллаган. ОГПУнинг Ўрта Осиё мухтор ваколатхонаси бошлиғи муовини Каруцкий ва информация бўлими бошлиғи Круковскийнинг 1930 йил 9 декабрдаги маълумотида Шофиркон районида сургун қилинганларнинг ичидан 4 киши агентура ҳизматига ёлланган қайд этилган [12.13].

А.А.Андреев комиссиясининг 1931 йил 31 мартдаги йиғилишида “Қулоқ оилаларини жойлаштириш тўғрисидаги” масала кўриб чиқилди. ВКП(б) МК секретари Постишев, ОГПУдан Г.Ягода ва Запорожецлар қатнашган йиғилишда “Ўрта Осиёда бойларни ўлка ичида кўчириш ҳақида”ги масала ҳам муҳокама қилинди. Средазбюрога Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда бойларни чегарадан узоқда бўлган шимолий районларга ички кўчиришга рухсат берилди [5.287]. Айнан шу қарор асосида 1931 йилнинг баҳори ва ёзида тугатилган бой-қулоқ хўжаликларни ички сургуни натижасида Ўзбекистондаги “қулоқ посёлкалари” сони 13 тага етди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1931 йил 20 майдаги “Қулоқлар тўғрисида”ги ўта махфий қарори коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар тизимидаги “қулоқлар сургуни”нинг узоқ муддат давом этишига асосий омил бўлди. Айнан шу қарор билан А.А.Андреев комиссиясининг сургун қилинганларни маъмурий, ташкилий ва хўжалик жиҳатдан бошқаришни ОГПУга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди [5.304]. Совет тоталитар режимининг қатағон қуроли бўлган ОГПУ қисқа муддатда Иттифоқ бўйича барча “қулоқ посёлкалари”ни ҳар томонлама ўрганишга киришди. Сургун қилинганлар устидан назорат кучайтирилди. “Қулоқлар сургуни”дагилар 1931 йилдан махсус кўчирилганлар, 1934 – 1944 йилларда меҳнат кўчкиндилари, 1944 йил мартдан яна махсус кўчирилганлар, 1949 йилдан махсус кўчкиндилар деб номланган. 1930-йилларнинг иккинчи ярмидан “меҳнат кўчкиндилари” ва “махсус кўчкиндилар” атамалари ҳам маиший даражада, ҳам расмий ҳужжатларда биргаликда ишлатилган [2.18].

1931 йил 1 июлда СССР ХКСнинг “Махсус кўчирилганларни жойлаштириш тўғрисида”ги [5.318] мутлақо махфий қарори билан махсус кўчирилганларни маъмурий бошқариш ва уларнинг меҳнатидан хўжалик ишларида фойдаланиш ОГПУ органларига юклатилганлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шу билан бирга ОГПУ саноат ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари билан шартнома тузиш ҳамда бевосита турли корхоналар ташкил этиш ваколатига эга бўлди. ОГПУнинг 1931 йилда “қулоқ хўжаликларини кўчириш, жойлаштириш ва ўзлаштириш бўйича” харажатлари учун СССР ХКСнинг захира фондидан 28.027.400 руб. маблағ ажратилди [5.318]. Шу тариқа ОГПУ назоратига ўтган “қулоқлар посёлкалари”даги вазият тубдан ўзгара бошлади.

ОГПУ маълумотларида 1931 йил 1 июлигача Ўрта Осиё бўйича жами 19 “қулоқ посёлкаси” бўлиб, шундан 17 таси Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилганлиги қайд этилган [9.2]. 1931 йил июлида 17 “қулоқлар посёлкаси”да унча тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра 2263 кишидан иборат 678 хўжалик сургун ўтаган. Посёлкалар сони ва улардаги аҳоли миқдори мунтазам ўзгариб турган. Бу даврда Қорақолпоғистонда бирорта ҳам посёлка ташкил қилинмаган [7.309].

Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистондаги дастлабки “қулоқ посёлкалари” 1930 йилда ташкил этилган бўлишига қарамай, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Низомда посёлкалар қишлоқ хўжалик ишларини мунтазам олиб боришлари учун ЎзССР Ер ишлари Халқ комиссарлиги органлари ажратган ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларни давлат тайёрлов органлари ва кооперативларга контрактация нархларида сотиш белгиланган. Аммо посёлкаларга ўзлаштирилмаган, ёмон ерлар ажратилган. Яшаш жойлари олдиндан тайёрланмаган ёки мутлақо яроқсиз аҳволда бўлган. Иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбоблари етишмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш жуда оғир кечган. Хусусан, 1931 йил баҳорида Жилвондаги посёлкада ишчи ҳайвонлари ва деҳқончилик асбобларининг етишмаганлиги ва етарли назоратнинг йўқлиги сабабли 34 га ер ҳайдалмай қолиб кетган [7.293].

Қўқондаги посёлкалар умумий майдони 1500 таноб бўлган ўзлаштирилиши лозим бўлган адирликда жойлашган бўлиб, 7 участкага бўлинган. Контрактация шартномасига асосан “Қора кўрпа” посёлкаси 432 таноб, “Майда Юлғун” посёлкаси 508 таноб, жами 940 таноб ерни пахта экини учун ўзлаштирилиши белгиланган. 1931 йил 1 июль ҳолатига ҳар иккала посёлкадагилар 415 таноб ерни ўзлаштирганлар. Бунга сабаб, апрель ойининг охирги кунларига қадар посёлкаларда 2 от, 2 ҳўкиз ва бир неча эшак ҳамда бор-йўғи 150 кетмондан бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари бўлмаган. Уларни ҳам Қўқон шаҳар совети ижарага берган. Май ойидан вазият ўзгарган, маҳаллий ташкилотлар посёлкаларга 7 ҳўкиз юборганлар. Вақтинча трактор ажратилиб, 72 таноб ерни ҳайдаб берган. 1931 йилнинг 1 июлига келиб иккала посёлка 6 от, 15 ҳўкиз, 17 бош майда шохли чорва, 4 омоч, 1 борона, 150 кетмон ва 5 аравага эга бўлган [7.304-305].

Оқдарё районидаги посёлка 294 таноб тўқайзорда жойлашган бўлиб, 4 участкага бўлинган. Барча сургун қилинганлар Сайдон қишлоғи ёнида жойлашган битта участкада қамишдан қилинган чайлаларда яшаган. Яшаш ва ишлаш учун ҳеч қандай бино барпо этилмаган. Посёлкада 5 от, 3 ҳўкиз, 6 эшак, 4 омоч, 2 мола, 1 плуг, 1 борона, 25 кетмон ва 3 ўроқ мавжуд бўлиб, қатъий топшириқ бўйича 24 га ерга пахта экилган [7.304-305].

“Қулоқлар посёлкаси” сургунидагиларнинг озиқ-

овқат таъминоти жуда оғир аҳволда эди. Маҳаллий совет органлари ва Савдо Халқ комиссарлиги (Наркомторг) бу масалани ҳал қилишни турли баҳоналар билан пайсалга солиб келган. Посёлкаларда ҳосил йиғимтеримигача бўлган муддатгача яшаш учун озиқ-овқат захираси бўлмаган. 1931 йилнинг июлига қадар ҳеч бир посёлка нон маҳсулотлари ва саноат моллари билан мутлақо таъминланган эмас. Сургундагилар бирор егулик топиш мақсадида навбат билан қариндошлариникига қатнаганлар. Сургундагиларни кўргани келган қариндошлари озиқ-овқат келтирган ҳолатлар ҳам бўлган. Айрим қулоқ хўжаликлари бозорда ўтин сотиш эвазига кун кечирганлар. Озиқ-овқатнинг йўқлиги боис аёллар посёлка комендантларига мунтазам суръатда мурожаат қилишиб, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондиришни ёки қишлоққа бориб егулик олиб келишга рухсат берилишини талаб қилганлар. Масалан, Оқдарё посёлкаси нон маҳсулотлари ва саноат моллари билан мутлақо таъминланмагани сабабли сургундагиларнинг кайфияти фавқулодда асабийлашган. Улар ўзларининг нон йўқ шароитда яшашларини жисмоний қирғин қилиш сифатида баҳолаганлар. Ўз норозиликларини ультиматум тарзида баён қилган ҳоллар ҳам бўлган. Посёлкадан қочиб, Совет режимига қарши курашаётган қуролли ҳаракат иштирокчиларига қўшилиш тўғрисидаги гап-сўзлар аниқланган [7.305].

Посёлкалар маъмурияти ўз вазифаларига ўта совуққонлик билан қараганлар. “Майда Юлғун” ва “Қора кўрпа” посёлкалари махсус қўриқланмаган. Иккала посёлкадаги кооператив дўкон ва ҳайвонларни қўриқлаш учун комендант томонидан сургундагилар ичидан бир кишидан қоровул тайинланган. Комендантнинг ўзи кечқурун посёлкадан колхозга кетган. Ғиждувондаги Обод посёлкасини 6 милиционер қўриқлаган. Улар 13 дона патрони бўлган 1 та қўшотар винтовка ва 2 та ов милтиғи билан қуролланган. Комендант ва 1 милиционер қуролга эга бўлмаган. “Кўлойдин” ва Янгийўлдаги “қулоқ посёлкаси” мутлақо қўриқланмаган. Фақатгина Жилвон посёлкасида қўриқлаш нисбатан қониқарли йўлга қўйилган. Бу ерни 1 бошлиқ раҳбарлигида 7 милиционер қўриқлаши йўлга қўйилган [7.307].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, 1930 – 1931 йилнинг баҳорида ташкил этилган “”қулоқ посёлкалари” ни уюштириш қониқарсиз ҳолатда бўлган. Уй-жой масаласи, озиқ-овқат ва саноат моллари таъминоти мутлақо ҳал қилинмаган. Хўжалик юритиш учун ўзлаштирилмаган ва унумсиз ерлар ажратилиши билан бир қаторда деҳқончилик асбоблари билан қониқарсиз таъминланган.

СССР МИҚ Президиумининг 1931 йил 3 июлдаги “Сургун қилинган қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби ҳақида”ги қарори билан биринчи маротаба сургундагиларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди [8.461]. 1931 йил август ойидан эътиборан сургун қилинган “қулоқ”ларга нисбатан “махсус кўчириб келтирилганлар (“спецпереселенец”) атамаси қўлланила бошланди [8.461].

1931 йил 6 августда ЎзКП(б) МК қулоқлар бўйича комиссияси “Ёппасига коллективлаштириш районларидан қулоқ посёлкаларига сургун қилинадиган қулоқ хўжаликлари миқдорини аниқлаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқди. Комиссия 1931 йилда қулоқ посёлкаларига сургун қилинадиган хўжаликлар сонини 1550 та қилиб белгилади. Шунингдек, қўшимча яна 4 “қулоқ посёлкаси” ташкил этишга қарор қилинди [7.316].

ЎзКП(б) МКнинг тақсимот бўлимига 3 кун муддат ичида Қорадарё ва Мирзачўл районларига вакиллар ажратиш топширилган. Вакиллар бу районларга зудлик билан етиб бориб, “қулоқ посёлкалари” ташкил этиш бўйича дастлабки тайёргарлик ишларини олиб боришлари лозим эди.

“Қулоқ посёлкалари” бошқарувчиларига сургун қилинганлар жойлаштириш ва ўзлаштириш бўйича тадбирларни 20 августдан кечиктирмай Наркомземга топширишлари мажбурияти юкланди [7.316].

Наркомзем томонидан тузилган комиссия биринчи навбатда янги ташкил этиладиган 2 та “қулоқ посёлкалари”га қайси районлардан қанчадан хўжалик кўчириб келтирилишини ҳам белгилаб берди. Жумладан:

Нарпай районидаги Қора ариқ посёлкасига Андижон районидан – 75, Намангандан – 75, Зеленскийдан – 25, И.В.Сталин районидан – 75, Янгиқўрғондан – 50, Тошкентдан – 50, Марғилондан – 75, Қудашдан – 50, Юқори Чирчиқдан – 25 хўжалик ;

Мирзачўл районидаги Олтин Ўрда посёлкасига: Эски Бухородан – 50, Вобкентдан – 50, Қорадарёдан – 25, Бауман районидан – 25, Самарқанддан – 75 хўжалик кўчирилиши белгиланган бўлиб, ҳар икки район бўйича кўчириладиган хўжаликлар сони 725 хўжаликни ташкил этган [7.317].

ОГПУнинг 1931 йил 25 октябрдаги “Махсус кўчкиндилар жойлаштирилган районлардаги посёлка маъмуриятининг функциялари ва махсус кўчкиндиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида Вақтинчалик Низом”ига кўра махсус посёлкаларда ОГПУнинг комендатуралари ташкил этилган. Улар ОГПУ мухтор ваколатхонаси ҳузуридаги бўлимларга ёки район ва участка комендатураларига бўйсунган. Комендатуралар штатлари ОГПУ томонидан белгиланган бўлиб, одатдаги маъмурий функцияларни бажаришда қишлоқ советлари функциясла-

рига мослаган ҳолда район ижроия комитетлари раҳбарлигида иш олиб борган.

1931 йил 22 ноябрда ВКП(б) МКнинг Махсус кўчирилганлар бўйича комиссияси Ўзбекистондаги пахтачилик совхозлари ҳузурида махсус посёлкалар ташкил қилишга қарор қилди. Сургун қилинган қулоқ-бой оилалардан шу пахтачилик совхозларида ишчи кучи сифатида фойдаланишга рухсат берди [8.462]. Средазбюронинг илтимосига кўра, Ўзбекистонга Туркманистондан қўшимча тарзда 1000 қулоқ-бой хўжалиги кўчириб келтириладиган бўлди. Бунга асосий сабаб, Ўзбекистондаги пахтачилик совхозларидаги ишчилар билан таъминланганлик даражасининг жуда пастлиги ва малакасизлиги бўлган. Чунки Ўзбекистондаги "Савай", "Хазорбоғ", "Учқўрғон" ва "Далварзин" пахтачилик совхозларидаги ишчиларнинг асосий қисми меҳнат биржалари томонидан Пенза, Самара, Ульяновск ва бошқа жойлардан юборилган одамлар бўлиб, пахтачиликдан мутлақо хабари бўлмаган [8.449]. Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан пахтачилик совхозларига сафарбар қилинган 35.000 кишидан 21.000 киши ишдан кетиб қолган. Кўпчилик районларда пахтачилик совхозларига ишчи кучи жалб қилиш қониқарсиз ҳолатда бўлган [8.450].

1931 йил 25 ноябрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакили Е.Г.Евдокимов Ўзбекистоннинг директив органлари билан 10000 оилани ички ҳудудларга кўчириш масаласини келишганлиги ҳақида Г.Ягодага ахборот бериб "Қуйихон", "Нарпай" ва "Ангор" пахтачилик совхозларида учта посёлка ташкил қилинганини маълум қилди [8.463].

1931 йил кузида ОГПУ Ўрта Осиёда махсус посёлкалардаги 10.472 кишидан иборат 2.073 хўжаликни Средазсовхозпахтага шартнома асосида топширган. Шунингдек, тарқоқ ҳолда ва муқим турар жойи бўлмаган махсус кўчкиндиларни 5 та посёлкага жамлаган [7.319].

1932 йилдан Россиянинг марказий районларидан сургун қилинганлар ва Ўрта Осиё республикаларидаги ички сургун натижасида Ўзбекистондаги махсус посёлкалар ва махсус кўчкиндилар сони кўпайиб борди. ОГПУнинг УЗСАИТЛи билан Совхозхлопком ўртасидаги шартномага асосан Ўзбекистондаги меҳнат посёлкалари пахтачилик совхозлари қошида ташкил этилди. Махсус кўчкиндилар меҳнатидан тўлиқ фойдаланиш ва уларнинг сургун қилинган жойларга мустаҳкам ўрнашишига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзССР ХКСнинг 1932 йил 2 апрелдаги "Махсус кўчкиндиларнинг маданий маиший ва санитар ҳолатини яхшилаш тўғрисида"ги мутлақо махфий қарори [11.5-6] билан "Совхозпахта"га сургун қилинганларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тезкор аниқ режа ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

1932 йил 11 майда ЎзССР ХКС Ижроия комиссияси секретари Конобеев ҳузуридаги йиғилишда мазкур қарорнинг бажарилиши ҳақидаги масала кўрилди. Унда "ЎзАЗИТЛ"дан Шенковский, НКЗдравдан Холтош Муҳамедов ва Фурман, республика прокуратурасидан Семиградский, Совхозпахтадан Смелов, "Садовинтрест"дан Мельниковлар қатнашди. Йиғилиш "Совхозпахта" вакили Алиевнинг Ўзбекистон бўйича 12 пахтачилик совхозида 29555 ишчи учун 90090 кв.м турар жой майдони мавжудлиги ҳақидаги хабарини маълумот учун қабул қилди [11.12-14].

1932 йилнинг 22 майидан 24 майигача давом этган Ўрта Осиёдаги ички сургун натижасида Ўзбекистондан жами 4866 бой хўжалик УСАЗИТЛнинг республика совхозларидаги меҳнат посёлкаларига жойлаштирилди [11.49-51]. 1932 йилда Совет давлатининг пахта мустақиллиги учун кураш сиёсати оқибатида Ўрта Осиёга бошқа регионларга қараганда энг кўп 27799 махсус кўчкинди келтирилган [2.20-23].

Совет Иттифоқи бўйича 1932 йил давомида махсус посёлкаларга турли минтақалардан (ички сургунлардан ташқари) жами 71 236 киши мажбуран жойлаштирилган [3.196] бўлиб, уларнинг энг катта қисми (39,4%) кутилмаганда Ўрта Осиёга буриб юборилган. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон Қозоғистон (39,4%) ва Урални (14,2%) ҳам ортда қолдириб кетган [6.51].

1933 – 1937 йилларда ҳам Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги махсус посёлкаларга сургун қилиш давом этган. СССР ХКСнинг 1935 йил 20 апрелдаги "УССР, Шимолий Кавказ ўлкаси ва Москвадан сургун қилинганларни хўжалик жиҳатдан жойлаштириш тўғрисида"ги қарори [3.76] қабул қилинди. Орадан бир ҳафта ўтиб, яъни 1935 йил 26 апрелда ГУЛАГ бошлиғи М.Д.Берманнинг ОГПУ бошлиғи Г.Ягодага йўллаган рапортида Ўзбекистондаги махсус посёлкаларга Шимолий Кавказдан сургун қилинган 4560 кишидан иборат 841 оилани қабул қилиш якунланганлиги ҳақида маълумот беради [2.27].

1935 йилга келиб Ўзбекистондаги махсус посёлкаларига сургун қилинганлар хўжалик жиҳатдан муқим ўрнашиб қолдилар. Бунга 1934 йил 1 мартида ОГПУнинг СССР ХКС билан бирга хўжалик органлари ва ёлланган меҳнат кўчкиндилари ўртасида меҳнат шартномаси тузиш тизимини йўлга қўйгани қулай имконият яратди. Чунки ёлланган меҳнат кўчкиндиларининг оиласини саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш хўжалик органлари зиммасига юклатилди [2.32].

ЎзКП(б) МК 1934 йил 4 майда "Махсус кўчкин-

диларнинг жойлашуви ҳақида” махсус қарор қабул қилган. Қарорнинг 3 банди ижросини таъминлаш бўйича 1934 йил 8 майда ЎзССР Ер ишлари Халқ комиссари ўринбосари Е.Зелькина ҳузуридаги йиғилишда НКВД “САЗЛАГ”дан Улибишев, Плешков ва Евдокимовлар, “Ўзсовхозпахта”дан Раҳимовлар иштирок этган [9.9]. Йиғилишда Ўзбекистондаги “Хазорбоғ”, “Ангор”, “Боёвут”, “Далварзин”, “Болтабоев номли”, “Савай”, “Бауман номли”, “Норин”, “Икромов номли” пахтачилик совхозларидаги махсус кўчкиндиларнинг турар-жой билан таъминланиш ҳолати муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланган. Масалан: “САЗЛАГ” бошлиғи ўринбосари Улибишевга “Хазорбоғ” пахтачилик совхозига шахсан ўзи, “Ангор”га эса “Ўзсовхозпахта” вакили Азимов билан бирга бориб, турар-жой билан таъминланмаганларни аниқлаш, умумий бараклар ўртасини тўсиб хоналарга ажратиш, махсус кўчкиндилар учун қўшимча қурилиши зарур бўлган уйжой бинолар сони ва кетадиган маблағни аниқлаш ишларини бажариш ҳақидаги маълумоти қабул қилинган. “Бауман” пахтачилик совхозидаги 78 оилани бошқа жойга кўчириш ҳақидаги Раҳимовнинг таклифи маъқулланган [9.10].

1934 йил 25 августда “Ўзсовхозпахта” трести биносида пахтачилик совхозлари директорлари, махсус посёлкалар комендантларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб, унда НКВДнинг Ўрта Осиёдаги вакили ва НКВД САЗЛАГининг махсус кўчкиндилар меҳнатидан фойдаланиш ва ўрнаштириш масаласи бўйича вакили иштирок этган. Шунингдек, Совет контроли, Наркомздрав, Наркомснаб ва Наркомпросдан вакиллар таклиф этилган. Йиғилишда махсус кўчкиндилар меҳнатидан фойдаланиш, уларга тиббий хизмат, маданий-маърифий хизмат кўрсатиш, саноат ва озиқ-овқат товарлари билан таъмиинлаш масалалари кўрилган [9.1].

Ўзбекистондаги махсус кўчкиндиларни турар-жой билан таъминлаш масаласи ЎзССРнинг СССР ҳукуматидаги доимий ваколатхонасининг ҳам диққат марказида турган. Доимий вакил вазифасини бажарувчи Добринин ва консультант Кесселлар 1933 йил сентябрида “Ўзсовхозпахта” ва “Узсадвинтрест” совхозларидаги махсус кўчкиндиларнинг жойлашуви учун Сельхозбанкдан 2.194 минг руб. кредит ажратилишига ёрдам беришларини сўраб СССР Наркомзем ер қурилиши бошқармаси, Пахтачилик совхозлари бошқармаси ва ГУЛАГ ОГПУга мурожаат қилган. Аммо 1933 йилда кредит ажратилиши амалга ошмасдан, бутун эътибор 1934 йилга қаратилган [11.25].

Ўзбекистон ҳудудидаги махсус посёлкалар учун республика ҳукумати томонидан зарурий шарт-ша-роитлар яратиб берилса-да, бироқ меҳнат кўчкин-диларидан республика эҳтиёжи учун ишчи кучи сифатида фойдаланишга ваколати бўлмаган. Буни биз ЎзССР ХКСнинг 1935 йил 29 февралдаги “Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилда ишчи кучига бўлган талаби ва уни қондириш тадбирлари ҳақида”ги № 301 қарорининг бекор қилиниши билан изоҳлашимиз мумкин. Республика ҳукуматининг мазкур қарори 1935 йил 6 февралда “Правда Востока” газетасида эълон қилинган. Газетанинг шу сонини 1935 йил 23 апрелда ГУЛАГ бошлиғи Берман СССР НКВД комиссари Г.Ягодага юбориб, қарор матни ва уни эълон қилиш САЗЛАГ билан келишилмаганлигини маълум қилган [13.330]. Ўз навбатида Г.Ягода 1935 йил 28 апрелда газетани СССР ХКС раиси В.Молотовга юборар экан, “шундай қарорни чиқариш ва уни эълон қилиш фактига” эътиборини қаратишни ҳамда ЎзССР ХКСга кўрсатма беришни сўраган [13.111]. 1935 йил 29 апрелда В.Молотов Файзулла Хўжаевга телеграмма юбориб, НКВД САЗЛАГда “катта миқдордаги фойдаланилмаётган ишчи кучи” борлиги кўрсатилган қарорнинг чиқарилиши ва унинг “Правда Востока” газетасида эълон қилинишини хато ва сиёсий уқувсизлик деб баҳолаб, зудлик билан қарорни бекор қилишни ва ижроси ҳақида ҳабар беришни сўраган [13.115]. 1935 йил 1 июлда Файзулла Хўжаев В.Молотовга телеграмма орқали ЎзССР ХКСнинг 1935 йилда ишчи кучларга талаб ва уни қондириш тартиби ҳақидаги қарори бекор қилинганини маълум қилган [13.114].

1938 йил 1 июлдаги СССР НКВД ГУЛАГи меҳнат посёлкалари бўлимининг ҳисобида 997 329 махсус кўчкинди турган. Уларнинг аксарияти 1741 махсус посёлкада яшаган. Ўзбекистонда эса меҳнат посёлкаларининг сони 13 тани ташкил этиб, уларда 14307 меҳнат кўчкиндиси яшаган. Битта посёлкада ўртача 1100 киши яшаган. Бу кўрсаткич СССР бўйича ўртача 573 кишилик кўрсаткичдан анча юқори бўлган [2.33].

1941 йилнинг IV чорагида Ўзбекистонда жами 10 та махсус посёлка бўлиб, улар 48 участкага бўлинган. Шундан 8 та посёлка: “Хазорбоғ”, “Боёвут”, “И.В.Сталин номли № 16”, “Ўзбекистон беш йиллиги”, “Далварзин”, “Савай”, “Норин №7”, “№ 8 совхоз”лари 40 участкага бўлинган ва ЎзССР Наркомсовхоз таркибига кирган. Қолган 2 та махсус посёлка ва 10 та участка Озиқ-овқат, Ер ишлари, Ижтимоий таъминот, Мааориф, Соғлиқни сақлаш, Ички савдо Халқ комиссарликлари тасарруфида бўлган [14.129]. Уларда 11 798 кишидан иборат 3296 оила яшаган [8.500].

1946 йилнинг майида Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон АССРда жами 16 491

кишидан иборат 4377 собиқ қулоқ оилалари ҳисобда турган [7.382].

“Қулоқлар сургуни”ни ўташ жойи бўлган махсус посёлкалар дастлаб ОГПУ сўнг узоқ йиллар НКВД, МГБ ва МВДнинг махсус посёлкалар бўлими томонидан бошқарилди. Бўлимларнинг номи ўзгариб боргани билан уларнинг вазифалари ва функциялари ўзгармай қолди. Махсус посёлкалар 1931-1934 йилларда СССР ХКС ҳузуридаги ОГПУ ГУЛАГининг кўчкиндилар бўйича бўлими, 1934-1940 йилларда НКВД ГУЛАГининг меҳнат посёлкалари бўлими, 1940-1941 йилларда НКВД ГУЛАГнинг меҳнат-тузатув лагерлари бошқармаси, 1941-1944 йилларда НКВД ГУЛАГнинг меҳнат ва махсус посёлкалар бўлими, 1944-1950 йилларда СССР НКВД-МВДнинг махсус посёлкалар бўлими, 1950-1953 йилларда СССР МГБсининг 9-бошқармаси, 1953–1954 йилларда СССР МВДсининг “П” бўлими, 1953–1959 йилларда СССР МВДсининг 4 махсус бўлими тасарруфида бўлди [4.8].

Хуллас, Совет терминологияси бўйича дастлаб “қулоқлар посёлкаси”, “меҳнат посёлкаси” ва “махсус посёлкалар” деб номланган ушбу посёлкалар қулоқ қилинган оилаларнинг сургун ўташ жойи вазифасини бажарди Ўзбекистондаги биринчи “қулоқ посёлкаси” 1930 йил 15 мартда ташкил этилган. Посёлкаларнинг сони 1931 йил 31 мартидан кейин кўпайиб борган: 1931 йил июлида 17 тани ташкил этган, август ойидаги қарор билан яна 4 та посёлка ташкил этилиб, уларнинг сони 21 тага етди ва бу миқдор мунтазам ўзгариб турди. ВКП(б) МК 1931 йил 22 ноябрдаги қарори билан қулоқ-бой оилалари ишчи кучи сифатида фойдаланиш учун Ўзбекистондаги пахтачилик совхозлари ҳузурида ташкил қилинган махсус посёлкаларга ўтказилди. 1932 йилдаги “қулоқлар сургуни” Иттифоқ бўйича энг кўп Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга йўналтирилди. 1933 йилда Ўрта Осиё посёлкаларига бирорта ҳам махсус кўчкинди қабул қилинмаган бўлса-да, 1934 – 1936 йилларда сургун давом этди. Ўзбекистондаги махсус посёлкалар коллективлаштириш жараёнида қатағон қилинган деҳқон оилаларининг жазо маскани вазифасини ўтади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР, 1930-1960. - М.: Наука, 2003.
3. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004.
4. Игнатова Н.М. Осуществление политики спецпереселения и изменения численности спецпереселенцев -"бывших кулаков" в середине 1930-х-1950-е гг. // Покаяние: Мартиролог. Т.4. Ч.2. / Сост. Н.М.Игнатова. - Сыктывкар: Коми книжное издательство, 2001.
5. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: В 2 кн. Кн.1./Отв.ред Н.Н.Покровский.- М.: РОССПЭН, 2005.
6. Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. М.: ОГИ – Мемориал, 2001.
7. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том I-III. Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. Под ред. Д.А.Алимовой. Том 2.– Т.: Шарк, 2006.
8. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001.
9. Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар.–Т.: Шарқ, 2001.
10. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).- Т.: Шарқ, 2003.
11. ЎзР. МДА. 95-фонд. 7-рўйхат, 2222-иш.
12. ЎзР ПДА. 58-фонд, 7-рўйҳат, 251-иш.
13. ЎзР. МДА. 837-фонд. 26-рўйхат, 401-иш.
14. РФ ФХХ МА. 2-фонд, 8-рўйҳат, 811-иш.
15. РФ ФХХ МА. 3-фонд. 2-рўйхат, 449-иш.
16. РФ МА. 9479-фонд. 1-рўйхат, 90-иш.

Андижон давлат университети,
2011 йил 20 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Т.Шамсутдинов)